




Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган E-mail: info@xs.uz 2010 йил 3 декабрь, № 233 (5148) Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2 декабрь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди.



бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлади, деб ўйлайман, — деди Ислон Каримов.

Давлат котиби самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, АҚШ мазмурияти икки томонлама муносабатларда ўзаро ҳурмат тамойилларига содиқ эканини таъкидлади.

— Президент Жаноби Олийлари! Самимий сўзларингиз ва томонларни қизиқтирган муҳим масалаларни муҳокама қилиш борасида яратилган имконият учун Сизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Президент Барак Обама ҳам ўзаро муносабатларимизнинг энг муҳим жиҳатларини муҳокама қилиш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди. Расмий делегацияларимиз вакиллари кенг кўламли масалаларни кўриб чиқиш имконига эга бўлгани кувонарлиқдир, — деди Хиллари Клинтон.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, халқаро терроризмга қарши курашиш, наркотрафикни бартараф этиш, давлат чегараларини кўриқлаш масалаларида ўзаро ҳамкорлик мустақамланмоқда. Томонлар турли дастурлар доирасида мутахассислар

учун ўқув тренинглари ташкил этиш орқали мазкур йўналишда мунтазам равишда тажриба алмашмоқда.

Ўзбекистон гуманитар ва ноҳарбий юкларни ташиндишда амалий ёрдам кўрсатиш, электр энергияси, озик-овқат, қурилиш материаллари билан таъминлаш, транспорт коммуникациялари барпо этиш орқали Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2010 йилда Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажми олти баробар ошди. Ўзбекистонлик мутахассислар стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган "Хайратон — Мозори Шариф" темир йўлини барпо этмоқда. Бу сайёҳаракатларнинг барчаси Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ечи бўлмайдиган, деган фикрни яна бир қарра тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикасининг бу бордаги позицияси қатъий ва ўзгармасдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида кўплай йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Мазкур ҳужжат икки мамлакатнинг давлат идоралари, илмий тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлиари ва хусусий компаниялари ўртасида фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутди. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад — биргаликда икки мамлакатнинг илмий-техникавий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, Ўзбекистон ва АҚШ илмий-техникавий ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлаш, шунингдек, соҳада икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорликни кўллаб-қувватлашдан иборат. Ҳужжатда икки мамлакат ўртасида ахборот, тажриба ва технологиялар алмасуви, қўшма семинарлар, илмий конференциялар ва учрашувлар ташкил этиш, олим, эксперт ва бошқа техник мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, қўшма илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу илмий-техникавий ҳамкорлик энергетика, ахборот коммуникациялари, биотехнология, соғлиқни сақлаш, нанотехнология, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларни ўз ичига олган.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов ва АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон имзолади.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси очилади.



Кеча, 2 декабрда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда махсус ишчи гуруҳнинг бўлажак ялпи мажлиси ўтказишига тайёргарлик тўғрисидаги маълумоти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарда ўтказилган мажлислар ва навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар бўйича хулосалар ва бошқа масалалар юзасидан қарорларнинг тайёрлиги тўғрисида маълумот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашилди.

Шу муносабат билан сенаторлар Сенатнинг ялпи мажлисида муҳокама этиладиган, давлат рамзларини фойдаланиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, асосий мақсади Ўзбекистонда риэлторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини яратишдан иборат бўлган "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар, шунингдек, 2011 йилги Давлат бюджет тўғрисидаги маълумот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашилди.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмадан ортиқ масала, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" тўғрисидаги маълумот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашилди.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмадан ортиқ масала, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" тўғрисидаги маълумот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашилди.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирмадан ортиқ масала, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" тўғрисидаги маълумот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб "Конституция — мамлакатни модернизациялаш ва баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий таянчи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ ВА ТАЯНЧИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, ҳуқуқшунослар, маънавият тарғибчилари, олимлар, ушбу академиянинг профессор-ўқитувчилари ва тинловчилари иштирок этди.

Академия ректори Қ. Назаров, Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди раисининг ўринбосари Б. Миробоев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Асосий Қонунимизда бел-

(Давоми 2-бетда).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Фанлар академиясида Президентимиз Ислон Каримовнинг жорий йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши ҳамда Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАН РАВНАҚИ

бугун Тошкент шаҳрида ўз ишини бошлайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида кўриладиган масалаларнинг асосий мақсадидир

Мазкур анжуманда Президентимизнинг жорий йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар, шунингдек, 2011 йилги Давлат бюджет тўғрисидаги маълумот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр-мулоҳазалари билан қизикди.

Мажлисида шаҳар ва туман ҳокимлари, лям муассасаларини ахборот ва компьютер прокуратура ва ички ишлар органлари, Бандликка қўмақлашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таъ-

тириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламент уюштурулиши ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари зиммасига қатор вазифалар юклатилди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов ҳокимиятини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада

(Давоми 2-бетда).

Бола тарбияси — устувор вазифа

СИРДАРЁ вилоятида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йилги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида шаҳар ва туман ҳокимлари, лям муассасаларини ахборот ва компьютер прокуратура ва ички ишлар органлари, Бандликка қўмақлашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таъ-

(Давоми 2-бетда).

Меҳнат ярмаркаси

Асосан ёшлар, жумладан, олий ўқув юртлиари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари тақдир қилинган мазкур тадбирда шаҳардаги 55 та корхона ва муассаса ўзларидаги мавжуд 126 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Яқунда 105 нафар йигит-қизга иқтисодчи, ҳисобчи, чилангарлик, муҳандислик, шифокорлик каби ўнлаб касблар бўйича ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

технологияли ишлаб чиқариш тармоқларида жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

СЕРВИС СОҲАСИ ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА

2010 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 48,6 фоизга өтди.

Жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури ижроси таъминлангани, шу жумладан, кўплай объектлар ишга туширилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди. Бу жараёнда, айниқса, янги иш ўринлари яратилгани диққатга сазовордир.



«МИКРОКРЕДИТБАНК»

очиқ акциядорлик тижорат банки
жамоаси

барча ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг

18 йиллик

байрами билан муборакбод этади!

Юртимиз ҳар доим тинч, осмонимиз мусаффо,
оиламиз фаровон бўлсин!



Хизматлар лицензияланган.

Лондон шаҳрида
шу йил 2 декабрда
дунёнинг 140 дан ортиқ етакчи
банкларининг вакиллари иштирокида
бўлиб ўтган

«Bank of The Year Awards 2010»

тақдимот маросимида

«Financial Times Limited»

компанияси томонидан

«Микрокредитбанк»

очиқ акциядорлик тижорат банки

«2010 йилда Ўзбекистоннинг
ЭНГ ЯХШИ БАНКИ»

номинацияси бўйича
голиб, деб топилди
ва ушбу компаниянинг
сертификати
топширилди.



8 ДЕКАБРЬ

UzKDB Bank

Ўзбекистон халқини,
ўз мижозлари ва ҳамкасбларини

Конституция кунини

билан чин дилдан
муборакбод этади!



Барчага бахт-саодат, сиҳат-саломатлик,
фаровонлик ва тинчлик-хотиржамлик
тилайди.

Навоний томонларда

Навоний шаҳридаги
«Тамила Алишер»
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари
Ботир Саидов 50
сотихлик иссиқхона
қуриб, ишга туширди.

Иссиқхонанинг ёз неъматлари

Бунинг учун тадбиркор
ўз маблағи ва банк креди-
ти ҳисобидан 175 миллион
сўм маблағ сарфлади.
Этиборлиси, 16 киши иш
билан таъминланган маз-
кур иссиқхонадан айни
пайтгача 20 тонна ҳосил
йиғиштириб олинди.

Янги қувватлар ўзлаштирилди

Кармана туманидаги
«Дўстлик» агрофирма-
сида янги қувватлар-
нинг ўзлаштирилиши бу
ерда қишлоқ хўжалиги
ва чорва маҳсулот-
ларини қайта ишлаш
ҳажмини сезиларли
даражада оширди.

Хусусан, агрофирма жа-
моаси жорий йилнинг
ўтган даврида ички бозор-
га 3,7 миллиард сўмлик
маҳсулот чиқарди. Бу
кўрсаткич ўтган йилнинг
шу давридагига нисбатан
112,1 фоиз кўпдир.

Айтиш кераки, туман-
да шу йилнинг ўтган
даврида 75,6 миллиард
сўмлик қишлоқ хўжалиги
маҳсулотлари етиш-
тирилди.

Х. Эшонқулов,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПАРРАНДАЧИЛИК БЎЙИЧА

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ

ХТТ ТХК ЖК ВА «ПО ТЕХНА» МЧЖ (Украина)

БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

✓ Парранда (товуқ ва бройлер) тухуми ва гўштини
автоматлаштирилган
тизимда етиштириш. Бу:

- озуқа тарқатиш;
- ахлатини йиғиш;
- тухумларни сортларга ажратиш;
- вентиляция қурilmалари ўрнатиш ва микроклим яратишни ўз ичига олади.

✓ Корхона томонидан
тайёрланган уч ярусли батареялар — КН-120.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Манзилми: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Катта хирмонтепа к.
(собик Сегизбоев), 1-уй. Тел.: (8-371) 272-97-16, 272-90-82, 272-95-76,
(+99898) 367-00-15, 367-00-16. E-mail: kprvt@mail.ru

ООО «Росмет Плюс»

прямые поставки с



СеверСталь

ArcelorMittal



МЕТАЛЛОПРОКАТ

в наличии на складе

КАТАНКА 5,5 — 6,5 мм

поставляем под заказ

проволоку
в широком ассортименте В1, В2, ВР, Св08А
листы Г/К, Х/К, 09Г2С любых размеров.

Тел.: (+99890) 187-75-77, (+99893) 501-75-77. Тел./факс 150-39-21.
Эл. адрес: mas-met@mail.ru

Российский линолеум

тел. 234-48-11

факс 234-49-58

Саҳнада — «Паймона»

Ҳамза номидаги Қўқон давлат мусиқали драма
театри жамоаси Ўзбекистон халқ шоири
Охунжон Ҳакимовнинг «Паймона» деб номланган
янги асарини сахналаштирди.

Ҳаётда учрайдиган турли муаммолар, оилавий муноса-
батлар талқин этилган мазкур спектаклдаги ролларни
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хурсаной Умарова,
Одинахон Бегматова, Турсунали Каримов, Юнусали
Халилов, Дилмурод Мансуров, Отахон Халилов маҳорат
билан ижро этган.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра, одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажagini, бахту саодатини ўйлаб яшайди.

Ислоҳ КАРИМОВ.

Бундан бир йил муқаддам давлатимиз раҳбари 2010 йилни Барқамол авлод йили деб эълон қилган эди. Ушанда бу эзгу ният бутун халқимизнинг қалбида акс-садо берганди. Мамлакатимизда соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбога чиқариши, юртимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш

бўйича кенг қўламли, аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида "Барқамол авлод йили" Давлат дастури Президент қарори билан тасдиқланди. Бу дастурда устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифалар белгиланди. Бугун Давлат дастури ижроси бўйича натижаларни кўриб чиқиш, босиб ўтилган йўлга назар ташлашнинг пайти келди. Ушбу саҳифада "Барқамол авлод йили" Давлат дастури юзасидан жойларда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.



ИСТЕЪДОДГА — ҚАНОТ, ҲУНАРМАНДГА — КЎМАК

Мамлакатимизда аҳоли бандлиги даражасини ошириш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимиз раҳномалигида изчиллик билан амалга оширилатган ислохотлар, айниқса, ёшлар фаолиятини кўчайтириш, улардаги ташаббускорликни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

да ёшлар учун 309 та тўғрақ ташкил этилган. Шуни эътиборлики, ушбу тўғрақларда ёшлар компьютер саводхонлиги, тиккувчилик, чет тилларни ўрганиш, хунармандчилик сингари соҳалар бўйича ўқиш-ўргатилиб, касб-ҳунарга йўналтирилади. Жорий йилнинг ўтган даврида мақбур марказларда хунар эгаллаган

Сурхондарё вилоятларида эса марказларнинг бинолари қурилиши тугаланиш арафасида. Уларнинг барчаси замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ жиҳозланмоқда. Энг муҳими, бугун жойлардаги ёшлар ижтимоий хизматлари марказларнинг самарали фаолият олиб бораётганилиги, хусусан, қатор вазирлик ва идоралар билан доимий ҳамкорликда иш қўрилатгани натижасида вояга етмаганлар билан ишлаш, ёшларнинг хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларни турли ёт иллатлардан асраш борасида ижобий кўрсаткичларга эришиляпти. Бундай марказларнинг фаолиятини таъминлаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар эса ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш билан бир қаторда, иқтидорли ўғил-қизларнинг билим ва салоҳиятини юзага чиқаришда беқисс аҳамиятга эга бўлаётди.

Кувондиқ МУҚИМОВ, «Қамолот» ЁИХ Маркази кенгашининг бўлим муддир.

Кутлуғ қадам

5 минг нафарга яқин ёшга ўз мутахассислиги бўйича ишлаш учун йўланмалар берилди.

Бундан ташқари, ҳормий-лар кўмағида Наманган ва Сирдарё вилоятларида "Қамолот" ЁИХ Маркази кенгаши ташаббуси билан Пастдарғом туманида "Ёшлар маркази" фаолияти йўлга қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ҳамда

Ўтақилайдиган хона ва лабораториялар энг замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Ўқув қўлланмалари, адабиётларга бой кутубхонага эга бўлди. Шу йилнинг ёзда ўқув даргоҳини 19 нафар ёш истеъдод эгаси тамомлади. Улардан 13 нафари мамлакатимизнинг турли олимпиадаларига ўқишга

Ўқибдиган ҳона ва лабораториялар энг замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Ўқув қўлланмалари, адабиётларга бой кутубхонага эга бўлди. Шу йилнинг ёзда ўқув даргоҳини 19 нафар ёш истеъдод эгаси тамомлади. Улардан 13 нафари мамлакатимизнинг турли олимпиадаларига ўқишга

Заковат
Юртбошимизнинг ташаббуси билан туманимизда бунёд этилган "Болалар ижодий уйи" барча қулайликларга эга. Ҳар бир тўғрақ учун махсус жиҳозлар, машқ заллари, машгулотлар учун алоҳида хоналар мавжуд.

Бу ерда тўғрақлар ҳаммиса ўқувчилар билан гавжум. Айни кунларда "Бадиий нафосат" ва "Амалий санъат" бўйича 42 та тўғрақ ишлаб турибди. Ижод ўята фаолият юритаётган "Тантана", "Марварид" вокал-эстрада гуруҳлари, шунингдек, "Асал", "Нигина" рақс гуруҳлари санъат илҳомдорлигига эришишга таниш, улар мамлакатимизда ўтади-ган байрам ва тантаналарда мунтазам иштирок этишмоқда. Қолаверса, ўқувчиларимиз орасида "Янги авлод", "Келажак овози", "Қамолот" жилиси, "Қамолот" танловлари ғолиблари, Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин ва кумуш медаллари соҳиблари борлиги ҳам бизни чекис гуруҳлантиради.

Ёшларнинг сеvimли маскани
Хунарни чуқурроқ ўрганган сари болаларимизда ўз-ўзидан келгусидаги ишларини режалаш олиш истаги пайдо бўлади. Тўғрақ қатнашчилари кейинчалик бу ерда олган билим ва эгаллаган хунариларини ўқув юртидаги мустақамлабдилар. Маса-лан, компьютер сабоқлари, Шарқ миннатгораси, радио-электроника, либос дизайни ва бошқалар шунлар жумласидандир.

Жорий ўқув йилидан эътиборан марказимизда бир қатор янгиликлар жорий қилинди. Жумладан, шу пайтга қадар тўғрақларга 7 — 14 ёш оралигидаги ўғил-қизлар қабул қилинган бўлса, бу йилдан бошлаб 5 ёшдагилар ҳам қабул қилинмоқда. Шунингдек, кўпроқ яшаш тўғрақи ҳам ташкил этилди.

Ҳозир ота-оналарнинг таклифи ва истаklarини ҳисобга олган ҳолда, олти ёшлилар учун "Яқша-нба дарслари" ва аниқ фанларга ихтисослаштирилган тўғрақлар ташкил этиш устида иш олиб бораляпти. Режаларимиз амалга ошса, бу ўқувчилар учун ажойиб соғва бўлиши муқаррар.

Носир ФАЙЗИЕВ, Шайхонтоғур тумани халқ таълими бўлими тасарруфидоги "Болалар ижодий уйи" директори.

ЭНГ УЛУФ МАҚСАД — ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

«Ўқидида мақсад — ўрганиш. Зеро, бола эшитган билганларини жонли мисоллар воситасида ўрганиб борса, ўқишга меҳри янада ортади, қизиқиши қучаяди. Қизиқиш — интилишнинг ибтидоиси, интилиш эса ҳаётимиз мазмундир».

Бу — Сарийосиё туманидаги Ўқувчилар техник ижодий-маркази директори Ғофиржон Фаттоевнинг фикрлари. "Болалардаги ана шу қизиқиш ва интилиш кўрсаткичларини камол топтириш асосий мақсадимиздир", дейди устоз.

ҚИЗИҚИШ ВА ИНТИЛИШ САМАРАСИ

Очиги, бу айримлар ўйлаганидек, жун иш эмас. Маса-лан, тумандаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Асилбек Нарзуллаевнинг "Ракета модели" тўғрағига қабул қилинишини олайлик. Асилбек физикани яхши кўради. У физика — табиат ҳақидаги фан, физика материянинг тузилиши, жисмларнинг ҳаракати ва ўзаро таъсири, деган гапларни ёддан айтиб беради. Маса-саларни ечади. Қонунларни шарҳлайди. Бу

Таблим

чан болалар бугун кам эмас. Миллий хунармандчилик, бадиий ижодкорлик ҳамда техник йўналишдаги 30 та тўғраққа 722 нафар ўқувчи жалб этилган. Қувонарлики, "Учувчи самолётлар иштирокчилари", "Варрақлар сайли", "Ёш фазогирлар", "Эркин учувчи", "Сизнинг қўлувчи кўрмашини" каби нуфузли кўрик-танловларда марказ иштирокчилари фахри ўринларни эгаллашмоқда. — Ўқувчиларнинг, айниқса, миллий хунармандчилик йўналишидаги тўғрақларга қизиқишлари катта, — дейди ўқитувчи Гулшан Исмоилова. — Энг муҳими, биз ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, интилиши, қобилияти ва орзу-мақсадларини ўрганган ҳолда, иш олиб боришга, ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш учун ҳар бири билан алоҳида шугуллинишга ҳаракат қилаёلمиз. Зарғарлик, зардўзлик, куллик каби хунариларни ёшларга ўргатишда маҳаллий хунармандлар билан ҳамкорлигимиз ҳам ижобий самара бераётди.



СУРАТДА: Сарийосиё туманидаги ўқувчилар техник ижодий-маркази фаолиятдан лаҳза. **Бахтиёр АҚРАМОВ** олган сурат.

Ахир, иккаласининг ҳам қаноати бор-ку? Ана шу савол туртки бўлиб, Асилбек энди куруқ ёд олиш учун эмас, ўрганиш учун ўқий бошлади. Мисол ва масалаларнинг жавоби тўғри чиқиши унингча бош қотириш камлик қилишини англаб, жисмларнинг қоний жони, ҳаракат манбалари ўртасидаги боғлиқликлар

Санъатнинг тарбиявий аҳамияти беқисс. У инсонларни эзгуликка эши, муҳаббатга оширилади. Шу сабаб санъатни севаимиз, қадрлаймиз. Бугун давлатимизнинг мақбур соҳа ривожини таъминлашга қаратилган ислохотлари замирида ҳам, аввало, барқамол авлодни вояга етказиш мақсад-вазифаси муҳассас.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эса бу соҳани тараққий эттиришни кўзда тутувчи янги ислохотлар учун асос бўлди.

ОҲАНГЛАР СЕҲРИ

таъминнинг иқтидорли созандалари "Қамолот" республика кўрик-танловининг яқуний босқичидан соҳариндор бўлиб қайтидилар. Яна

бўлмоқда, уларни янги ижодий парвозлар сари чорламақда. 2008 йили Қарши шаҳрида ўтказилган коллежлараро ёш ижодкорлар кўрик-танловига мактаб-интернатнинг Элмурод Отабоев, Ҳожиакбар Мўминов, Жасурбек Сайдалиев сингари иқтидорли ёшлари бош соҳариндор билан тақдирлангани ҳам ана шундай юксак

бир созандамиз Аббос Каримов нуфузли танловда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Эътибор ва ғамхўрлик иқтидор эгаларига қўшқанот

Халқимизда "Бола — гўёки новда. Уни қаёққа бурсанг, уша томонга қараб ўсади", деган ҳикматли ғап бор. Бундан замирида болани одоб-ахлоқли инсон этиб камолга етказиш, унинг қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик, эл-юрт ишига қамарбадаллик каби юксак фазилатларни шакллантиришдек мақсадлар муҳассамки, бунда маҳалла ва жамоатчиларнинг ўрни муҳимдир.

Боланинг Бўш Вақти

Уни мазмунли ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Истиклолнинг илк йилларидан бошлаб болаларни ҳар томонлама барқамол этиб вояга етказиш давлатимиз сийбатидаги устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Буни яратилаётган қулай шарт-шароит ҳамда уларнинг илм-фан, спорт ва санъат соҳаларида саломқили натижаларини қўлга киритиб келатгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу борада ислохотларнинг узвий давоми сифатида "Барқамол авлод йили" Давлат дастури доира-сида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётди.

Бундай саъй-ҳаракатларни Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Зотан, мақбур комиссияларнинг бирламчи вазифаси болалар тарбиясини тўғри ташкил этиш, уларни назоратсиз қолдири-маслик, вояга етмаганлар томонидан қонунбузарлик ёки жиноят содир этилганда, бундай ҳолатнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш ва уни бартараф этишдан ташкил этишга алоҳида эътибор бераёلمиз. Шунини инобатга олиб, қўриб кўриб олинган. Ҳозир вилоятимизда 508 та клуб бўлиб, уларнинг аксарияти ўсимрлар билан гавжум.

Бола тарбиясида спорт мусо-бақаларининг ҳам ўрни катта. Шу боис жорий йилнинг ўтган дав-рида 80 га яқин оммавий спорт мусо-бақалари ўтказиди. Аҳамият-лиси, ушбу турнирларда 4 минг нафардан зиёд ўғил-қиз қатнаш-ди. Биргина 1995 — 1997 йил-ларда тунгилган ўқувчилар ўрта-

иборат. Айни чоғда ушбу комиссиялар болалар хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек маъсуляятли вазифани ҳам баҳариб келмоқда. Зиммамиздаги бундай вазифа-лардан келиб чиқиб, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли

оширмоқда. Ёш истеъдодлар турли нуфузли кўрик-танлов-ларда муваффақиятли қатна-шиб, юқори натижаларини қўлга киритмоқдалар. Чунон-чи, улар ўтган йили "Болалик баҳори" республика фестива-лининг яқуний босқичида

иборат. Айни чоғда ушбу комиссиялар болалар хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек маъсуляятли вазифани ҳам баҳариб келмоқда. Зиммамиздаги бундай вазифа-лардан келиб чиқиб, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли

иборат. Айни чоғда ушбу комиссиялар болалар хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек маъсуляятли вазифани ҳам баҳариб келмоқда. Зиммамиздаги бундай вазифа-лардан келиб чиқиб, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли

сида ташкил этилган миллий ва июн-рум кураши мусобақасида минг нафар спортчи иштирок этгани ҳам низоҳатда кўрилади. Икки босқичда ўтган "Ёш — 2010" спорт беллашувига эса Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳисобидан 5,2 миллион сўм маб-лағ сарфланиб, минглаб болалар жалб этилди.

Кўриниб турибдики, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдалани ўтказишда оромгоҳу клублар, спорт беллашувлари, турли маданий тадбирлар катта аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга олиб, муҳим чора-тадбирлар қўрилмоқдаки, булардан қўланган асосий мақсад вилоятимиз-даги барча болаларнинг қамраб олишдан иборат. Зеро, яхши тарбия қўрган, ҳар томонлама барқамол авлодгига буюк келажак гаваридир.

Нусратулло ПАРДАЕВ, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси аъзоси, вилоят касоба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси раиси.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 142,0 ▼ -2,9 ЦЕМЕНТ (пц400 қ20) 154,0 ▼ -10,1 АРМАТУРА 2211,6 ▲ +8,8 ШИФЕР (1 лист) 12730 ▼ -42,0 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истагангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1103. 37513 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Ташриятга келган қўғамалар тақриб қилинади ва мундариға қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан қабул қилинади.
т-Тижорат материалли
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41. ҲАА яқунин — 23.15 Топширилди — 01.20
1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтборсаров.
Навбатчи — Ю. Буринов.
Мусаҳҳиш — Ш. Машраббоев.